

ҚОРА –ОЛА ЗОТЛИ БУҚАЧАЛАРНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Халилова А.

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети талабаси*

Хусеинова М.А.

қ.х.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация. Қорамолчилик тармоғи ривожининг айна даврида қорамолларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилаш борасидаги энг муҳим масалалардан бири подани генетик жиҳатдан такамиллаштириб боришидир. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиширишдан иборат.

Калит сўзлар: Қорамол, сут, гўшт, гўшtdорлик, сутдорлик, пода, маҳсулдорлик, наслчилик.

ПОКАЗАТЕЛИ РОСТА И РАЗВИТИЯ БЫЧКОВ ЧЕРНО-ПЕСТРОЙ ПОРОДЫ

Халилова А.

*студентка Самаркандского государственного университета ветеринарной
медицины, животноводства и биотехнологии*

Хусеинова М.А.

к.х.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация. Одним из важнейших вопросов улучшения продуктивных характеристик крупного рогатого скота в современный период развития животноводства является генетическое улучшение стада. Целью является удовлетворение спроса населения на продукты питания.

Ключевые слова: Крупно рогатый скот, молоко, мясо, мясное производство, молочное производство, стадо, продуктивность, племенное разведение.

GROWTH AND DEVELOPMENT INDICATORS OF BLACK-MOTTLE BREED CELLS

Khalilova A.

*student of Samarkand State University of Veterinary Medicine, Animal Husbandry and
Biotechnology*

Khuseynova M.A.*Ph.D. (PhD)*

Abstract. *One of the most important issues in improving the productive characteristics of cattle in the modern period of livestock development is the genetic improvement of the herd. The goal is to meet the population's demand for food.*

Key words: *Cattle, milk, meat, meat production, dairy production, herd, productivity, breeding.*

Кириш. Қора-ола зоти - табиий иқлим шароитга ва машинада соғишга мослашиши ва юқори сут маҳсулдорлик хусусиятлари билан бошқа зотлардан кескин фарқланади. Ўзбекистоннинг турли худудларига кенг тарқалган.

Қора-ола зотли молларнинг Ўзбекистон хили шаклланган сигирларнинг ўртача тирик вазни 480-500 кг, айримлари 650-700 килограммга етади. Давлат наслчилик китобига ёзилган соф зотли сигирларнинг сут соғими ўртача 4773 килограммга, ёғдорлиги 3,6 фоизга тенг.

Буқачалар гўштга жадал боқилганда 15-18 ойлигида 450-500 килограмм вазнга етади ва сўйим чиқими 55-57 фоизни ташкил қилади.

Организм индивидуал ривожланиш даврида зигота даврдан то вояга етгунча қатор ўсиш ва ривожланиш босқичларидан ўтади. Ўсиш организмдаги миқдорий ўзгаришлар бўлиб, организм массаси, умумий ўлчамлари ва алоҳида органлари ўлчамларининг катталашishi билан намоён бўлади. Ҳайвонларнинг оғирлик, ҳажми ва чизиқли ўлчамларининг ўсиши фарқланади. Зоотехния амалиётида ҳайвонлар тирик вазнининг ўсиши тарозида тортиш йўли билан, чизиқли ўсиш эса алоҳида тана қисмларидан олинadиган тана ўлчамлари асосида аниқланади. Ривожланиш – ҳайвон организмда онтогенез даврида юз берадиган морфологик ва физиологик ўзгаришлар жараёнидир.

Тадқиқот мақсади. Буқачаларнинг тирик вазини ошириш мақсадида уларни протеинга бой бўлган донли озуқалар билан озиклантиришдан иборат.

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқотлар Самарқанд вилояти Пайарик туманидаги “Нуриддин-А” фермер хўжалигида бажарилди.

Тадқиқот натижалари. Маълумки, буқачаларнинг гўшт маҳсулдорлиги билан бевосита боғлиқликда бўлган селекцион белгининг асосий кўрсаткичи, бу уларнинг тирик вазни ҳисобланади. Ҳайвоннинг туғилганидаги тирик вазни муҳим селекцион кўрсаткич бўлиб, у ҳайвоннинг келгусидаги ривожланишида ҳам таъсир кўрсатади ва катта хўжалик аҳамиятига эга. Ҳайвон организми уни ўраб турган ташқи муҳит билан мунтазам алоқада бўлганлиги туфайли турли ҳайвонларда ўсиш ва ривожланиш жараёнлари турлича кечади. Ҳайвонлар зоти ва индивидуал хусусиятлари, шунингдек маҳсулдорлик йўналиши ҳамда табиий –иқлим шароитларига мослашувчанлиги билан боғлиқ равишда бир хил шароитда турлича ўсиш жадаллигини намоён қиладилар

1-жадвал

**Тажриба гуруҳларидаги буқачаларнинг тирик вазнини ўсиш динамикаси, кг
($X \pm S_x$)**

Ўши, ойлар ҳисобида	Гуруҳлар (n=10)	
	Назорат	Тажриба
9-ойлигида	210,3±2,0	210,2±2,0
10-ойлигида	222,4±1,4	228,7±1,3
11-ойлигида	234,6±1,8	248,4±2,6
11-12 ойликкача	249,0±1,2	268,6±2,4

Мутлоқ ўсишнинг яна бир асосий кўрсаткичи, бу бир кунлик ўртача ўсишдир. Шунини таъкидлаш лозимки ўртача кунлик ўсиш ҳайвонларнинг ўсиш тезлигини ифодалайди. Ўсиш тезлиги бўйича тажрибанинг дастлабки ойларида гуруҳлараро энг юқори кунлик ўсиш тажриба гуруҳларларидаги буқачалар назорат гуруҳларидаги буқачалардан анча устун туради ва тажриба гуруҳларидаги буқачаларда 9-12 ойликда кузатишган бўлиб, тегишлича кунлик ўсиш 430 ва 648 граммни ташкил этган.

Ҳайвонларни ўсиш кўрсаткичлари бўйича баҳолаганда уларни мутлақ ўсиши муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам биз тажриба гуруҳларидаги буқачаларни ушбу кўрсаткичларини ҳисоблаб, қуйидаги 2 -жадвалда келтирдик.

2-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги буқачалар вазнининг мутлақ, ўртача суткалик, нисбий ўсиш кўрсаткичлари, %

Ўстириш даврлари, ой	Назорат	Тажриба
Мутлақ ўсиш, кг		
9-10 ой	12,1	18,5,
10-11 ой	12,2	19,7
11-12 ойликкача	14,4	20,2
Ўртача суткалик ўсиш, г		
9-10 ой	403,3	616,6
10-11 ой	406,6	656,6
11-12 ой	480,0	673,0
9 ойдан 12 ойликкача	430,0	648,8
Нисбий ўсиш, %		
9-10 ойлик	5,75	8,80
10-11 ойлик	5,48	8,61
11-12 ойлик	6,13	8,13

2-жадвал маълумотларини таҳлили шундан далолат берадики, назорат ва тажриба гуруҳларидаги буқачаларда ўртача бир кунлик ва ўсиш ойлари кесимида олинган қўшимча тирик вазн даражаси юқори бўлган. Бунда, тажриба гуруҳларидаги буқачаларнинг тирик вазни назорат гуруҳларидан 9-10 ойлигида 6,4 кг, 10-11 ойлигида 7,5 кг ва 11-12 ойлигида 5,8 кг юқори бўлган.

Хулоса. Бундан хулоса қилиш мумкинки, тажрибадаги буқачаларнинг озукаси донли озукалар билан бойитилиб, тўлақонли рацион меъёри асосида озиклантирилган.

Фойдаланилган адабийотлар:

1. Иванов В.М. Мясная продуктивность бычков красной степной породы и её помесей с красно-пестрыми голштино-фризами при интенсивном выращивании в условиях промышленной технологии. Автореф. дисс.канд. с.-х. наук. Краснодар. 1989. 20 с.
2. Калашников А.П. Нормы и рационы кормления сельскохозяйственных животных. Москва «Агропромиздат» 2003, 51 с.
3. Кахаров А.К., Авазов Д. Қорамол гўшти ишлаб чиқаришни кўпайтиришга зотлараро чатиштиришнинг ўрни.// СамҚХИ “Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари селекцияси ва маҳсулдорлигини янада яхшилаш муаммолари” илмий тўплами. Самарқанд. 2004. 87-89 б.
4. Легошин Г.П. и другие. Откорм молодняка крупного рогатого скота на современных фидлотах. Практическое руководство. Дубровицы. 2013. 101
5. Мамбетов М.М. Зависимость мясной продуктивности бычков от уровня кормления при откорме// Зоотехния. 2006. №2. с. 25-29.
6. Khuseinova M.A. Meat productivity of kids of different geno types Asian journal of multidimensional research» 53-55 p. 2020
7. Қурбонова Ш.Э. “Сурхон воҳаси шароитида қорамол гўшти етиштиришни жадаллаштириш” дисс. Самарқанд-2019., 53-56 б.
8. Elmuratotovna, S. F., Shavkatovich, B. F., & Amirovich, E. Y. Incubation Quality of Eggs of Different Category of Cross Lohmann Lsl-classic. *JournalNX*, 286-290.
9. Elmuratotovna, S. F., Shavkatovich, B. F., & Amirovich, E. Y. Egg Productivity of Chickens of Imported Crosses. *JournalNX*, 388-392.
12. Lazizbek G‘ayratjon o‘g, O. (2023). PROFILAKTIKA INSPEKTORINING FUQAROLIK JAMIYATI INSTITUTLARI BILAN HAMKORLIGINING O ‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. YANGI O ‘ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI, 1(1), 85-90.
13. Sirojiddinova, S. Z. (2023). USING INTERNET RESOURCES IN PERFORMING LABORATORY EXERCISES IN ATOMIC PHYSICS. YANGI O ‘ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI, 1(1), 91-94.
14. Mamirovich, B. A., & Kamoliddinovich, N. M. (2023). JANUARY 14 IS THE DAY OF DEFENDERS OF THE FATHERLAND. YANGI O ‘ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI, 1(1), 98-104.